

УЎК (УДК, UDC): 82-34
DOI: 10.36078/ 1570170672

ФЭНТЕЗИ ВА ФАНТАСТИК АСАРЛАР МИКРООЛАМИ



Дилшод Аъзамқулович НАСРИДДИНОВ
Докторант (катта илмий ходим)
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Тошкент, Ўзбекистон
dilshodnasr@gmail.com

Аннотация

Мақолада инсон ҳаёлати маҳсули бўлган *фэнтези* ва *фантастика* феноменига муносабат билдирилган. Бу икки дунёнинг ички кўриниши, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари диаграммалар ёрдамида асосланган. Муаллиф фикрлари тадқиқотчи ва ёзувчилар қарашлари асосида илмий далилланган. *Фэнтези* ва *фантастика* лексик бирликлари ҳақида адабиётшунослик ва таржимага оид луғатларга таянган ҳолда маълумотлар берилган. Ҳар бир феноменнинг таркибий қисми ва уларнинг ўзига хос турлари ажратиб кўрсатилган. Фантастика бўйича турли қарашларнинг мавжудлиги, замонавий адабиётда фантастикани фэнтези йўналиши билан фарқлантириб турувчи жиҳатлари, ўзбек фолклоршунослигида фэнтези тушунчаси таркибида асосий рол ўйнаган мифология ва унинг турли кўринишлари ҳақида маълумотлар келтирилган ва асосланган. Тақдим этилган маълумотлар орасида фэнтези тушунчасини жанр сифатида баҳолаган тадқиқотчиларнинг фикрлари мавжуд, уларга қарши айтилган назарий фикрлар, яъни фэнтези феноменининг жанр, субжанр ёки адабий оқим эканлиги хусусида аниқ ҳулоса мавжуд эмаслиги таъкидланган. Турли-туман фикрлар, қарашлар ва олимларнинг илмий ёндашувларига изоҳлар келтирилган. Фэнтезининг муаммоли вазиятига қараб: “қаҳрамонлик фэнтези”, “готик фэнтези”, “насронийча фэнтези”, “маданийлашган фэнтези” каби кўринишлари мавжудлиги очиб берилган. Афсоналарда мавжуд мифологик образлар фэнтезининг асосий қуроли эканлигига урғу берилган, мифология тушунчаси ва унинг турларига изоҳ бериб ўтилган.

Калит сўзлар: феномен; фэнтези; фантастика; жанр; интернет; миф; техноген; сеҳргарлик; иррационал; мотив; образ; реалистик.

МИКРОМИР ПРОИЗВЕДЕНИЙ ФЭНТЕЗИ И ФАНТАСТИКИ

Дилшод Аъзамқулович НАСРИДДИНОВ
Докторант
Узбекский государственный университет мировых языков
Ташкент, Узбекистан
dilshodnasr@gmail.com

Аннотация

В статье рассмотрены разные тенденции относительно феноменов фэнтези и фантастика как результат человеческого мышления. Внутренняя структура, сходства и различия этих двух миров показаны на схемах. В статье приводятся отдельные сведения о лексических единицах фэнтези и фантастики из различных литературоведческих и переводных толковых словарей. Отдельно описаны составная часть и своеобразные типы каждого феномена. Представлены и обоснованы сведения о наличии различных взглядов на фантастику, ее отличительных чертах от фэнтези в современной литературе, а также о мифологии и ее видах, занимающих особое место в структуре фэнтези, из источников узбекской фольклористики. Среди представленных сведений имеются мнения исследователей относительно понятия фэнтези как жанра, даются также противоположные данному мнению теории, то есть сделана попытка определить, куда отнести понятие фэнтези: к жанру, субжанру или литературному течению. Приведены пояснения к различным мнениям, взглядам и научным подходам ученых-исследователей. Также в статье охарактеризовано наличие различных видов фэнтези в зависимости от проблемных ситуаций: «героическое фэнтези», «готическое фэнтези», «фэнтези по-христиански» и «культурное фэнтези». Мифологические образы, созданные в легендах, отмечены как основное орудие фэнтези.

Ключевые слова: феномен; фэнтези; фантастика; жанр; интернет; миф; техногенный; магия; иррациональный; мотив; образ; реалистический.

THE MICROWORLD OF FANTASY AND FICTION

Dilshod Azamkulovich NASRIDDINOV

PhD student

Uzbekistan State University of World Languages

Tashkent, Uzbekistan

dilshodnasr@gmail.com

Abstract

The article discusses various trends regarding the phenomena of “fantasy” and “fiction” as a result of human thinking. The internal structure, similarities and differences of these two worlds are given on the basis of several diagrams. The thoughts cited in the article are scientifically based on the opinions of scientists and researchers, there is a correct approach to the text and explanations for them are given. Separate information is also given on the lexical units of fantasy and fantasy from various literary and translated explanatory dictionaries. Separately described are the component and unique types of each phenomenon. Presented and substantiated information about the presence of different views on fiction, its distinctive features from fantasy in modern literature, as well as about mythology and its forms that occupy a special place in the structure of fantasy, from sources of Uzbek folk writers. Among the information presented, there are researchers' opinions on the concept of fantasy as a genre, theories opposite to this opinion, that is, an attempt was made to find out that there are no exact ideas about attributing the concept of fantasy to genre, subgenre or literary movement. Explained to the different opinions, views and scientific approaches of researchers. The article also describes the presence of various types of fantasy depending on the problematic situations: “heroic fantas”, “gothic fantasy”, “Christian fantasy” and “cultural fantasy”. Mythological images created in the legends are marked as the main fantasy tools, the concept of mythology, its types are described.

Keywords: phenomenon; fantasy; fiction; genre; Internet; myth; technogenic; magic; irrational; motive; figure; realistic.

Бугун хаёлимизда содир бўлаётган ҳар қандай воқеа-ҳодисани бир неча йиллар, асрлардан сўнг рўёбга чиқишига тобора ишониб бормоқдамиз. Бунга сабаб глобаллашув жараёнида ривожланиб бораётган яратувчанлик ва ижодкорликка бўлган инсон муносабатининг ортиб боришидир. Шундай экан, адабиётимизга ҳам ўзига хос усул ва услуб, йўналишлар кириб келмоқда. Ўзлаштирилган бу йўналишлар асарда қўлланиб, акс таъсирини бераётган хос элементлар кўпчилик адабиётшунос олимлар баҳс-мунозараларини юзага келишига сабаб бўлмоқда. Шулардан бири — замонавий оммавий маданиятда ўзига хос ўрин тутган *фэнтези* феноменидир.

Замонавий оммавий маданиятда *фэнтези* ўзига хос тушунчани ҳосил қилади ва унинг матнда акс этиши муҳим аҳамиятга эга. Бу тушунчанинг оммавий нутқда пайдо бўлиши эса XX асрнинг 80-90 йилларига тўғри келади ва ҳозирги кунда бу тушунча анча оммалашган лексик бирликдир. Интернет тармоғида ҳам *фэнтези*ни номоён қилувчи турли сайтлар жумладан, “Арда-на-Куличках”, электрон журналларидан: “Архивы Кубикуса”, “Активная органика”, “Мир фантастики”) ва бошқаларни кўришимиз мумкин. Шунингдек, кўп компьютер ўйинлари *фэнтези* мотивларини ўз ичига олган китоблар — “Властелин колец (Узук ҳукмдори)”, “Гарри Поттер”, “Герои меча и магии” (“Қилич ва сеҳргарлик қаҳрамонлари”) асосида яратилган. Фэнтези асарлари асосида турли фильмлар суратга олинди ва бир вақтнинг ўзида фильм мотивлари “Звёздная пыль”, “Эрагон” (“Юлдузлар чанги”, “Эрагон”), каби китоблар ёзилди (2,169).

Фэнтези термини устидан шу вақтгача кўп илмий изланишлар олиб борилган. Бироқ унинг асл моҳияти ҳақида аниқ хулосалар йўқ. Бу тушунча бўйича манбаларда турли фикрлар мавжуд. Шунингдек, бу тушунчага жанр сифатида ҳам қаралган. Бу жанр XIX асрда яратилган Жон Рускининг “The King of the Golden River” (1851) (“Олтин дарё қироли”), Уилиам Меикпис Тэкерининг “The Rose and the Ring” (1855) (“Атиргул ва узук”), Чарлиз Кингслининг “The Water Babies” (1863) (“Сув гўдаклари”) ва Луис Керолнинг “Alice in Wonderland” (1865) (Алиса мўжизалар мамлакатида) каби болалар учун фэнтези асарлар кенг тарқалди (13, 461).

Бугунги замонавий адабиётида ҳам *фэнтези* асарларига бўлган қизиқиш тобора ошиб бормоқда. Р. Толкиен ижоди мухлислари яъни, *фэнтези* клуб аъзолари мавжуд. Шу билан бирга, адабий *фэнтези* маданиятнинг бир кўриниши сифатида адабиётга боғлиқ. *Фэнтези* олами

Ўзига хос олам бўлиб, инсон руҳиятини сеҳргарлик олами сари етаклайди. Биз уни ўрганишимиз давомида олдимизда турадиган муаммолардан бири унинг мазмун-моҳиятига ойдинлик киритишдадир деб қараймиз.

Шунга мувофиқ, замонавий адабиётшуносликда *фэнтези* тушунчаси асосий муаммолардан бири саналади. Юқорида таъкидланганидек, илмий изланувчиларнинг бир қисми *фэнтезига* жанр сифатида қарашади.

Фэнтези тушунчасини кўплаб олимлар ўзининг илмий изланишларида турлича номлар билан атаганлар. Масалан, М. С. Галигна (3, 161) ва Е. Н. Ковтун (6, 308) *фэнтезига* жанр, А. Карелин фантастикага “жанр остидаги жанр”, А. И. Осипов (9, 320) йўналиш сифатида қараб, шу ном билан атаганлар. Фэнтези ҳақидаги изоҳлар келтирилган луғатлар “Collins Cobuild English Language Dictionary” (11, 1704), “Longman Dictionary of English Language and Culture” (7, 1620) мақолаларда жанрга алоқадорлиги ҳақидамфикрлар айтилмаган. Турли тадқиқотчилар ҳам *фэнтези* маъновий чегарасига ойдинлик кирита олмаганлар.

Ғарб адабиётшунослари ишларида *фэнтези* термини XX асрнинг 70-йилларида қўлланила бошлади. Уларнинг тадқиқот ишларида фантастик характерлардан келиб чиққан *фэнтезига* нисбаттан турли ёндашувларга дуч келамиз: “юқори фэнтези” яъни китобхоннинг олдида ҳаёлий ёки уйдирма дунёни шакллантирадиган асарлар ҳамда “қуйи *фэнтези*” — борлиғимизга илоҳийликни олиб қирувчи асарлар. Шунингдек, *фэнтезининг* муаммоли вазиятига қараб: “қаҳрамонлик фэнтези”, “готик фэнтези”, “насронийча фэнтези”, “маданийлашган фэнтези” каби кўринишлари мавжуд (1, 582).

Айтиш мумкинки, *фэнтези* одатда, ҳаёлий уйдирмаларга олиб келади. Бундай ҳолда шахс онгида борлиқдаги ҳаққоният ва сир-синоат ўртасида шубҳа пайдо қилади.

Бази олимларимизнинг қарашларида фэнтези фантастик адабиётнинг бир кўриниши бўлиб, у ҳаёлий иррационал характердаги сюжетга асосланади. “*Фэнтези* олами худди бизнинг оламга “қаердадир ёки қачондир” паралел олам каби, шартли борлиқда содир бўлган, географик ва вақт аниқлигидан маҳрум бўлган ҳодисадир” (1, 582).

Фэнтези асарларидаги ўзига хослик, одатда, уларнинг мазмун-моҳиятига қараб аниқланади. *Фэнтезининг* ўз ичига қамраб олган жиҳатларини қуйидаги диаграмма асосида кўрсатиб ўтамиз.



Юқоридаги тасвирдан шуни кўришимиз мумкинки, *фэнтези* ўзининг намоён қилишдаги хусусиятларида дастлабки ўринда сеҳргарлик, эртак ва афсона мотивларини қамраб олган. Шу жиҳатдан афсоналарда пайдо бўлувчи мифологик образлар *фэнтезининг* асосий қуролидир. Шу жойда “мифологик” тушунчасига ва унинг турларига изоҳ бериб ўтамиз.

Мифологик тассавурлар оламнинг яратилиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг юзага келиши, одамзотнинг пайдо бўлишини хаёлий уйдирма воситасида изоҳласа-да, миф ўз ижодкорлари томонидан бўлиб ўтган воқеалар баёни сифатида баҳоланган. М. И. Стеблин-Каменскийнинг таъкидлашича, “миф, бу – муаян воқелик баёни бўлиб, унда ҳикоя қилинган воқеа-ҳодиса нечоғли уйдирма бўлмасин, яратилган ва яшаб келаётган жойида у ҳамиша ҳақиқат, реал воқелик ифодаси сифатида қабул қилинган. Албатта, мифни ўрганадиган тадқиқотчи ундаги уйдирмага ишонмайди. Шунинг учун ҳам *миф* бугунги кунда ҳаққоний ҳаётий воқелик ифодаси сифатида англашилмайди.

Шу тариқа тадқиқотчининг миф ҳақидаги ўз тассавури яъни “*миф — уйдирмадир*” деган қараш юзага келади. Яратилган ва оммалашган жойида миф аслида реал воқелик ифодаси деб тушунилган (10, 4–5).

Аждодларимизнинг олам, табиат ҳодисалари ва ижтимоий ҳаёт хусусидаги қадимий мифлари қуйидаги турларга бўлинади:

- 1) ибтидо ҳақидаги мифлар (оламнинг яратилиши ва ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги) мифлар;
- 2) самовий мифлар (осмон жисмлари ва табиат ҳодисалари ҳақидаги мифлар);
- 3) антропогеник мифлар (ғайриоддий ҳислатга эга бўлган афсонавий персонажлар ҳақидаги мифлар, масалан, Геракл, Гилгамиш, Одами Од, Хубби ҳақидаги мифлар);
- 4) култ мифлари (муайян эътиқодий инончлар билан боғлиқ мифлар, масалан, ҳосилдорлик култи, ўсимлик култи, олов култи ҳақидаги мифлар);
- 5) тотемистик мифлар (тотем-аждод ҳақидаги қадимги тассавурлар асосида келиб чиққан);
- 6) календар мифлар (йил, ой, кун ҳисоби билан боғлиқ мифлар, масалан, аямажуз, аҳман-дахман, чилла, тўқсон ҳисоби билан боғлиқ мифлар);
- 7) ўлиб-тирилувчи табиат култлари ҳақидаги мифлар (масалан, Ўлмас Кошей ҳақидаги мифологик сюжетлар);
- 8) анимистик мифлар (жон тўғрисидаги қадимги тассавурларни ўзида мужассамлаштирган мифлар);
- 9) манистик мифлар (аждодлар ҳомийлиги ҳақидаги мифлар);
- 10) дуалистик мифлар, (эзгулик ва ёвузлик кучлари);
- 11) эсхотологик мифлар (оламнинг интиҳоси, охир замон тўғрисидаги мифлар) (8, 28).

Юқоридаги келтирилган мифологик қарашлар ва унинг турлари фэнтезида қўлланувчи асосий унсурлардир.

Фантастика ва фэнтези деярли бир хил оламда яъни инсон ҳаёлотида пайдо бўлади, лекин бу ҳаётнинг реаллик томон бориши, яъни асарлар воқеалари ривожда улар ўртасидаги муайян чегаравий фарқларни тушуниб етишимиз мумкин. Бу борада *фантастика* лексик бирлигига изох бериб ўтамыз.

Фантастика тушунчасига ҳам кўплаб луғатларда таърифлар келтирган. Фантастика (юн. *phantastike* – тахайюл санъати) — ҳақиқатда мавжуд бўлмаган, тахайюл кучи билан тасаввурдагина яратилган нарса-ҳодисалар тасвири, шунга асосланувчи адабий асарлар жами (4, 343). Ҳаёлий бўлган, яъни тассавурда ҳосил бўлган воқеаларнинг асарларга кўчиши одатда фантастик асарларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Машҳур олим Тодоровнинг айтишича, фантастика бу ғайри табиий кучларга ишониш ёки

ишонмаслик ўртасидаги шубҳаланиш онларидир. У жуда нозик адабий шакл бўлганлиги учун, уни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш жуда осон. Фантастика ноаниқлик билан шуғулланади. Фантастика ғайритабий воқеа-ҳодисалар билан юзлашадиган, табиат қонунларини биладиган инсон тассавуридаги шубҳадир (12, 25). Инсоннинг ғайрийтабий кучларга ишониши — азалдан мавжуд. Қадим аجدодларимиз хаёлотининг маҳсули бўлган фантастик образлар уларнинг ўзлари томонидан шартли образ эмас, балки айти ҳақиқат деб тушунилган. Бу хил тушуниш аجدодлар онгида узок вақтлар сақланган бўлса-да, унинг муттасил сусайиб боргани кузатилади. Айти чоғда, фантастика фақат тассавур маҳсули эмас, унинг замирида мавжуд реалликнинг излари сезилиб туради, зеро, хаёл шу мавжудликдан куч олган ҳолда парвоз қилади.

Фантастиканинг ҳам ўзига хос бўлган кичик турларини кузатишимиз мумкин. Мисол учун; Константин Мзареулов ўзининг “Фантастика: умумий курс” китобида фантастикани олтига жанр ости кичик жанрларга ажратади; улар илмий фантастика, космик опера, фэнтези, кўрқинчли романлар, жангари ва триллер фантастика, шартли фантастика (8, 82). Вильям Годшок эса бутун фантастика оламини тўрт гуруҳга ажратиб чиққан:

1) “тоза” фантастика, бунда фантастика ўзининг мақсадини ифодалаши ва ғоя ва фикрларнинг минимал тарзда рол ўйнаши назарда тутилган;

2) фалсафий фантастика, бунда фалсафий ғоя ва концепсияларни ривожлантирган ва ўзида намоён қиладиган образ ва ҳолатлар тушунилади;

3) ижтимоий-танқидий фантастика, бунда асарда фантастик образлар иштирок этади, лекин фалсафий фикр юритиш ва изоҳлаш учрамайди. Улар реал воқелик устидаги муаллиф қарорини ифодалайди. Годшок бу фикрлари билан уни илмий фантастикага яқинлаштиради;

4) Реалистик фантастика, бу тўлиқ илмий фантастиканинг намунасидир (4).

Фантастик ва фэнтези асарлардаги ўзига хос хусусиятлар одатда уларнинг мазмун-моҳиятига нисбатан сезиларли тарзда аниқланади. Бунда фантастиканинг асосий фарқланувчи жиҳатларини қуйидаги диаграмма асосида кўрсатиб ўтамиз.



Юқоридаги диаграмма асосида шунни айтишимиз мумкинки, фантастика реал воқеликда содир бўлиш эҳтимоллари юқори даражада сезилиб турувчи воқеаларнинг инъикосидир.

Хулоса қилиб айтганда, *фэнтези* ва *фантастика* тушунчаларининг умумий ўзига хос томонлари ҳар иккиси ҳам шахс ҳаёлотида пайдо бўлувчи жараёнлар ҳисобланиб, уларнинг ички дунёсида эса бу икки оламнинг баъзи бир фарқли жиҳатларини аниқлай олишимиз мумкин. Бунинг учун шахс ўзининг онгида бу икки дунёнинг ичидаги асосий образга айланиши ва уларни ҳис қила олишлари даркор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Николукин А.Н. Литературная энциклопедия терминов и понятий. — Москва: НПК «Интелвак». 2001. — 582 с.
2. Толкачёв В.С. Фэнтези: жанр или литературное направление. Проблемы изучения зарубежной литературы, 2010. — 169 с.
3. Годшок В. Фантастика. Википедия. — URL: <http://mir.fantastics/articles/>
4. Галина М.С. Авторская интерпретация универсального мифа (Жанр «фэнтези» и женщины-писательницы) // Общественные науки и современность, 1998. — 161 с.
5. Қуронов Д. Адабиётшунослик луғати. — Тошкент, 2013. — 343 б.
6. Карелин А. Классики. Предтечи фэнтези. — URL: <http://mif.ru/Articles/art>
7. Ковтун Е.Н. Поэтика необычайного: художественные миры фантастики, сказки, утопии, притчи и мифа (на материале европейской литературы первой половины XX века). — М., 1999. — 308 с.
8. Мзареулов К. Фантастика. Общий курс. — URL: <https://www.libfox.ru/369312-konstantin-mzareulov-fantastika-obshchiy-kurs.html>

9. Longman Dictionary of English Language and Culture [Text]. — Harlow: Person Education Limited, 2005. — 1620 p. (LDELС).
10. Жўраев М., Эшонқулов Ж. Фолклоршуносликка кириш. — Тошкент. 2017. — 288 б.
11. Осипов А.Н. Фэнтези // Он же. Фантастика от «А» до «Я» : краткий энцикл. справочник. — М., 1999. — 320 с.
12. Стеблин-Каменский М.И. Миф. — Л: Наука, 1976. — С. 4–5.
13. Collins Cobuild English Language Dictionary [Text]. — London: Clays Ltd, St. Eves plc, 1991. — 1704p. (CCELD).
14. Todorov Tzvetan. The fantastic: a structural approach to a literary genre/ translated from the French by Richard Howard, 1975. — 25 p.
15. The Hutchinson Encyclopedia of Literature. Copyright Research Machines, 2006. — 461p.

REFERENCES

1. *Literatura entsiklopediya terminov i ponyatii* (Literature encyclopedia of terms and concepts), Pod. red. A. N. Nikolyukina, Moscow: Intelvak, 2001, 1600 p.
2. Tolkachev V. S. *Fentezi: zhanr ili literaturnoi napravlenie?* (Fantasy: a genre or literary movement?), Scientific digital library Cyberleninka, 2010, pp. 169–171.
3. <http://mir.fantastics/articles/>
4. Galina M. S. *Obshhestvennye nauki i sovremennost*, 1998, No. 6. pp. 161–170.
5. Quronov Dilmurod. *Adabiyotshunoslik lugati* ((Dictionary of literary studies), Tashkent: Abdulla Kodiri was renamed the people's publishing heritage, 2013, 343 p.
6. <http://mif.ru/Articles/art>
7. Kovtun E. N. *Pojetika neobychajnego: hudozhestvennye miry fantastiki, skazki, utopii, pritchi i mifa* (Poetika neobichaynogo: godojestvennie Miri fantastiki, skazki, utopii, pritchi I MIFA), Moscow: Publishing house of Moscow State University, 1999, 308 p.
8. Mzareulov K. D. *Fantastika. Obshchii kurs* (Fiction. General course), Ed. Shiko-Sevastopol, 2006, 382 p.
9. *Longman Dictionary of English Language and Culture*. Harlow: Person Education Limited, 2005, 1620 p.
10. Juraev M., Jeshonqulov J. *Folklorshunoslikka kirish* (Introduction to folklore), Tashkent: Turon-iqbol, 2018, 160 p.
11. Osipov A. N. *Fantastika ot “A” do “Ja”* (Fiction from “A” to “Z”), Moscow, 1999, 320 p.
12. Steblin-Kamenskii M. *Mif* (Myth), Leningrad: Science, 1976, 104 p.
13. *Collins Cobuild English Language Dictionary*. Collins, London, Glasgow: Collins ELT; HarperCollins Publishers, 1991, 1703 p.
14. Todorov Tz. *The fantastic: a structural approach to a literary genre*, translated from the French by Richard Howard. 1975, 25 p.
15. The Hutchinson Encyclopedia of Literature. Copyright Research Machines, 2006, 1222 p.